

Эркакларни авайланг!

Бувижон,
ўқиб беринг

Эркак ким ўзи?
Севкли, вафодор ёр. Ватан
посбони, тинчлигимиз қалқони, ав-
лодлар яратувчи, келажакни гул-
латувчи шахс.
Эркаксиз ўй бамисоли йўлда
карвонбошисиз қолган карвон.
Ойлада болалар тарбиясининг
асоси.
Партия ва ҳукуматимиз юрт
бойлиги бўлган халқ соғлигини
сақлаш, шу жумладан, эркаклар
умрини узайтириш борасида ти-
нимсиз ғамхўрлик қилмоқда. Чу-
нки эркаклар аёлларга нисбатан
камроқ умр кўра экан.
«Нима учун шундай?» деган
савол ҳаммани ўйлантириши та-
биий.

Эркакларнинг кам умр кўриш-
ларининг турли сабаблари бор.
Бир гал 100 ёшли Назир ота
билан суҳбатлашдим. У киши до-
мо жисмоний меҳнат билан шуғул-
ланганларини, оилада турмуш ўр-
тоқлари билан тинч-тотув умр ке-
чирганларини, ҳаммаша бегарас,
хушқақчақ бўлиб, тамаки чекма-
ганликларини, «арақ» деган «ка-
софат»дан ғайри бўлганликларини

айтди.
Демак, умрини узайтиришнинг
бир неча хил йўллари бор: доимо
серхаражат бўлиш, ортинча семи-
риб кетишга йўл қўймаслик, ҳасад-
гўй бўлмаслик, спиртли ичимлик-
ларга мукка тушмаслик, ҳалол
меҳнат қилиб, ҳалол яшаш.
Эркак умрининг қисқаришида
оиладаги жанжал-суронлар, шу
жанжалларнинг бошловчиси —
аёллар ҳам сабабчи бўлади.
Аёл эмасизми, эрлардан
ортинча бўлмагур нарсалар
ларини талаб қиласиз. Олтин буюм-
лар олиб беришни, ҳеч ким
киймаган кўйлақда юришни,
хоҳладан ерда ўйнаб-қулиш,
умуман эрдан устун туришни
истаймиз.

Ойладаги келин билан қайнага
ўртасидаги муносабатлар, гинди-
диллар ҳам эркак асабини, умри-
нинг заволидир. Икки ўт орасида
қолган эркак кўпчилик нима қи-
лишини билмай қолади...
Узатилган қизнинг онасининг
беъмани ҳатти-ҳаракатлари ҳам
оиладаги тинч муҳитни бузади.
Она қизини икки куннинг бирда

уйига қақираверса, «Ундай қил»,
«Бундай демасдингми?» «Қараб
турдингми?» «Тор қориниға сиқ-
қан, кенг уйиниға сиғмайсанми?»
қабилдаги гапларни айтмасан,
оқибати нима бўлишини айтмасан
ҳам бўлади. «Ғиш-ғиш»ларга бар-
ҳам беролмаган эркак ичкиликка
муккасидан кетади. Ойла бузилди.
Иши унумсиз бўлади, обрўси
ниҳона, маҳалла-қўйда йўқолади.
Умри қисқаради.

Батъзан, аксинча, ёшлдан че-
киб, ичиб ўрганган организм ич-
май, чекмай қўйса ҳумор қилади.
Атроф-муҳит, шаронт, бўлмагур
ёру-дўстлар ҳам ҳаётининг
умрини қисқаришига ёрдамлаша-
ди.

Батъзан «гапларда» иштирок
этиб юрган аёллар беъмани ода-
га — оз-оздан ичкиликка ўрганиб,
«Эркакдан қаерни кам?» деб уйга
ичиб келилади. Бу ҳам эркак ум-
рининг заволи.

Бизнинг мамлакатимизда эркак
билан аёлнинг ҳуқуқи тенг. Бунинг
СССР Конституцияси ҳам эъти-
роф этади. Мана шу қонуни рў-
қач қилиб, оилада, фарзандлар ол-

дида оналик, аёллик бурчини уну-
тиб қўётганлар ҳам, афсуски, уч-
раятти.

Ўз иродасини жиловлай олма-
ган, ақл-заковатини «араққа» ал-
маштирган, оиладаги оталик, кар-
вонбошлик масъулиятини унут-
ган, халқ олдида еган тузини оқ-
лай олмаган, дангаса, лоқайд эр-
каклар ўз умрларига заволи бўлади-
лар.

Нобор эркак ёки аёл нафақат ўз
умрини, балки бошқалар — ёш бо-
лалар умрини ҳам эғовлайди.
Хулоса шунки, эркаклар аввало ўз
ақл-иҳсолини бошқара олса, қи-
йинчилик оларда мард бўлса,
меҳнатни севса, ҳаётида орзу-умид
билан яшаса, албатта, бундай қи-
яш узоқ умр кўради.

Эркакни авайланг! Бу гап эр-
какдан аввал, аёлга тегишли. Аёл-
лар ҳаммаша уларга нурдек, гул-
дек фойз бағишласалар... Ана шу-
да улар суялган оила тоғлари
эркаклар нурмай узоқ қад рост-
лаб турадилар.

Махмуда УМАРОВА.
Октябрь районидаги 98-интернат
мактабининг тарбиячиси.

Ажойиб исбот (Шингил ҳикоя)

Вали йўл-йўлкай сирпан-
чиқ отиб келаркан, ўзидан
олдинда кетаётган қизчани
тўртб юборди. Қизча қорға
коптокдек думалади. Вали
унга қўй ҳам боқмади.

Валининг қилиғини кўриб
қаршидан келаётган Қо-
бил ота ранжиди.

— Қандай берахмасан?
Менга қара, кимнинг ўғли-
сан?

Вали «Нима ишингиз
бор?» дегандек Қобил отага
чимирилди. «Тагин гап тегма-
син», деб отасининг ислими
айтмади. Қўлини силтаб, ги-
зиллаганича уйига жўнади.

— Отасига раҳмат кел-
тирмайди, бунақа беодоб бо-
лалар, — деди унинг орти-
дан қараб қолган Қобил ота.

Мактабдан келаётган Со-
бир аса йилдан қизчани ўр-
нидан тургазиб овутиди, уст-
бошига илинган қорни қо-
қиб, совуқ еган жажжи қўл-
ларини «кух-кух»лаб иситди.

— Ассалому алайкум, —
деди Собир ўзига кулимси-
раб яқинлашган отага.

— Қалай, қизча опоқми?
— саломга алик олгач сўра-
ди ота.

— Опоқ, опоқ. Полвон
қизча экан. Хоҳир уйига етиб
олади, — деди Собир.

— Аввало сенга раҳмат.
Кимнинг ўғлисан? — ота-
нинг унга хавас келди.

— Фармон ақанинг.

— Сенга яхши таълим
берган отанга минг раҳмат!
Собир қувониб раҳматини
отасига етказди. Қобил ота-
нинг қизчани қорға думала-
ган боладан хафа бўлганини
ҳам қўшиб қўйди.

— Тувоқ кўни айтудим,
— деди отаси Собирдан хур-
санд бўлиб, — тентакдан
ақл ўрганиш учун у қилган
ишининг ақсини қилиш ло-
зим. Шунинг амалда ишблат-
сан. Яша, ўғлим!

Ғани АБДУЛЛАЕВ,
боғбон.

Болалар
сўзлаганда

Жигар

— Ойижон, агар пулимизни
йўқотиб қўйсан жудаём ачи-
ниб кетамиз-а! — деди йи-
лашсираб Махфуза.

— Ҳа қизим, ахир — пул
қорғас бўлса ҳам жигардан пай-
до бўлади-да.

— Ундай бўлса ўтаётган ум-
римиз ҳам жигар билан қор-
ғадан экан-да!

Савол-жавоб

— Ойижон, имтиҳондан ўқи-
тувчим «беш» баҳо қўйиб бер-
ди.

— Ҳамма саволларга тўлиқ
жавоб берибсан-да, қизим!

— Ҳа, менинг ўрнимга те-
лефонда дадам савол-жавоб
қилибди.

Мадамин РИЗАЕВ.

Хандалар

Мия

Харидор: Миянгиздан ярим
кило беринг.

Сотувчи: Мия қўйинки,
синглим.

ТУШУНТИРИШ

Ҳайдовчи: Ўртоқ сержант,
гувоҳномамни қайтиб бер-
сангиз, ахир мен рўнда эмас,
стакандан ичдим-ку.

Ҳабиба МАНСУРОВА.

И к и р

фикрлар

— Ҳа, дўстим, кўринмайсан?
— Э, ҳозир ремонтдаман.

[Шофёрлар суҳбатидан].


«Унинг сўйиш кўзлари айла-
ниб-айлини менга қаради».

[Хаваскорнинг ҳикоясидан].

— Кўрдингми, газетга
чикдим.

[Суҳбатдан].

Раҳматулла НУРИДДИНОВ,
ишчи.



«Қумуш қиш жилваси».

Я. Файзиев фототюди.

Сўраган эдингиз...

Иш вақтидан қандай фойдаланилади?

Редакцияга келаётган хатларда иш вақтининг нормал
муддати, байрам кунлари арафасида қандай ишлаш, ту-
нги иш муддати, нормаллашган ва туңгизсиз иш вақти, сме-
нали иш вақти ҳақида жавоб беришимизни сўраган. Биз
юрисконсулдан ана шу саволларга жавоб беришни ил-
тимос қилдик:

Барча ишчи ва хизматчи-
ларнинг иш вақти муддатини
нормалга солиш давлат томо-
нидан қарор қилинган иш-
тирокда амалга оширилади.

Иш вақти муддатининг нор-
малари, қонунларда бошқа
қоллар қўрсатилмаган бўл-
са, қорхона, муассаса, та-
шкилот маъмурияти билан

қорхона, муассаса, ташкилот
қасаба союзи комитети ёки
ишчи ва хизматчи ўртасида
тузилган битимга қўра ўз-
гартирилиши мумкин эмас.

Қорхона, муассаса, та-
шкилотларда ишчи ва хизмат-
чилар иш вақтининг нормал
муддати ҳафтасига 41 соат-
дан ортиқ бўлиши мумкин
эмас. Иқтисодий ва бошқа
зарур шaroитлар вужудга
келиши билан бундан ҳам
қисқароқ иш ҳафтасига ўти-
лавереди.

Қўйилган иш вақтининг
муддати белгиланади:

1. 16 ёшдан 18 ёшгача
бўлган ишчи ва хизматчилар
учун — ҳафтасига 36 соат,
15 ёшдан 16 ёшгача бўлган
шахслар учун эса (200-мод-
да) — ҳафтасига 24 соат.

2. Меҳнат шaroити зарар-
ли бўлган ишларда ишлаб
турган ишчи ва хизматчилар
учун — ҳафтасига қўли би-
лан 36 соат.

Бундан ташқари, ССР
Иттифод қонунлари билан
ҳодимларнинг айрим кате-
гориялари (ўқитувчилар, врач-
лар ва бошқалар) учун иш
вақтининг қисқартирилган
муддати белгиланади.

Ишчи ва хизматчилар учун
икки кун дам олинмаган
беш кунлик иш ҳафтаси
белгиланади. Иш ҳафтаси
беш кунлик бўлишида ҳар
кунги иш (смена) муддати
ички меҳнат тартиби қонда-
лари билан ёки сменалар-
нинг алмашишини графика-
ри билан белгиланади. Бу
қоида ва графикларни маъ-
мурият қорхона, муассаса,
ташкилот, қасаба союзи ко-
митети билан келишиб ва
иш ҳафтасининг белгилан-
диган муддатига риоя қи-
либ таъсидилари.

Ишлаб чиқариш характери
ва иш шaroитига қўра беш
кунлик иш ҳафтасини жорий
қилиш мақсадга мувофиқ
бўлмаган қорхоналарда, му-
ассасаларда, ташкилотларда
бир кун дам олинмаган ол-
ти кунлик иш ҳафтаси бел-
гиланади. Иш ҳафтаси олти
кунлик бўлишида ҳафталик
иш вақти нормаси 41 соат
бўлган ҳолда ҳар кунги
иш муддати 7 соатдан ош-
маслиги, ҳафталик иш вақ-
ти нормаси 36 соат бўлган-
да олти соатдан ошмаслиги
ва ҳафталик иш вақти нор-
маси 24 соат бўлганда ҳар
кунги иш муддати — тўрт со-

атдан ошмаслиги керак.

Байрам кунлари арафаси-
да (77-модда) ўшбу Кодекс-
нидан қарор қилинган иш-
тирокда амалга оширилади.

Иш вақти муддати беш кунлик
иш ҳафтасида ҳам, олти кун-
лик иш ҳафтасида ҳам бир
соат қисқартирилади. Дам
олиш кунлари арафасида иш
ҳафтаси олти кунлик бўл-
ганда иш муддати олти соат-
дан ошиб бўлиши мумкин
эмас.

Туңги ишларда белгилан-
диган иш (смена)нинг
муддати бир соат қисқарти-
рилади. Бу қоида иш вақти
қисқартириб қўйилган (54-
модданинг 1-қисми 2-банди
ва 2-қисми) ишчи ва хизмат-
чиларга жорий қилинмайди.

Ишлаб чиқариш шaroитига
қўра зарур бўлган ҳолларда,
жумладан ишлаб чиқариш
узлуқсиз бўлган жойларда,
шунингдек бир кун дам оли-
надиган олти кунлик иш
ҳафтаси шaroитида смена
бўлиб ишланган жойларда
кунлик иш муддати кундуз-
ги иш муддатига тенглашти-
рилади. Кеч соат 10 дан эр-
талаб соат 6 гача бўлган
вақтда туңги вақт деб ҳи-
собиладилари.

Қўйилган туңги ишлар-
га жалб қилинмайдилари:

1. Ҳомилдор аёллар, ик-
ки ёшга тулмаган боласи
бор аёллар;

2. Актив формадаги сил
касаллари;

3. 18 ёшга етмаган ишчи
ва хизматчилар;

4. Инвалидлар туңги иш-
ларга фақат ўз розилиги би-
лан ва баъшарти бундай иш
уларга медицина тавсияла-
ри билан таъқилланмаган бўл-
сагина жалб қилиниши мум-
кин.

Қорхона, муассаса, та-
шкилотларда нормаланмаган
иш кўни фақат ССР Итти-
фод ва Ўзбекистон ССР
Қонунлари билан белгилан-
маган тартибда таъсидилари
руйхатда қўрсатилган
ишчи ва хизматчилар учун
жорий этилиши мумкин.

Ишчи, хизматчи билан
маъмуриятнинг ўзаро кели-
шувига қўра, ишга қабул
қилиш чоғида ҳам, шунинг-
дек кейинчалик ҳам туңгиз-
сиз иш кўни ёки туңгизсиз
иш ҳафтаси белгилан-
диган ишчи билан туңгизсиз
иш вақти пропорционал ра-
вишда ёки бажарилган иш-
га қараб тулланади.

Туңгизсиз иш вақти шар-
ти билан ишлаш ишчи ва
хизматчиларнинг меҳнат ҳу-
қуқлари ҳақимини бирор
тарзда чеклашга асос бўла
олмайди.

А. ҲАСАНОВ,
юрисконсулт.

Экспонатларга—
олтин медаль

Тошкентдаги «Ўзбекистон»
маъшии хизмат уйида бичи-
қилар индустриясининг ҳам
алоҳида аҳамият бериб ке-
линмоқда. Бу ерда «Экспер-
мент» устакхона лаборатория-
сининг таъсидилари нур
устига ало нур бўлди.

Чинакам изланиш ва маҳо-
рат марказига айланиб қол-
ган мазкур лаборатория йўли
билан қатор янгиланган
амалга оширилди. Хотин-қиз-
ларнинг ёшлик қўйлақлари,
турли либослари моделлари

буюртмачилар эътиборини
ўзига тортди.

Бу каби ўзига хос ижод на-
муналари энг яхши экспонат-
лар сифатида Москвадаги
Бутуниттифок Халқ Ҳўжалиги
Ютуқлари Кўргазмасига тақ-
дим қилинган эди. Яқинда
пойтахтдан хушбабар келди.

Унда лаборатория моделер-
лари ишлари юқори баҳола-
ниб, мамлакатимиз бош кўр-
газмасининг олтин медали
билан таъқилланган маълум
қилинди.

С. ОДИЛОВА.

«Тошкент оқшоми» • 3-бет.

Донолар бисотидан

Яшашнинг маъноси

○ Адолатни англамоқ, гўзалликни ҳис қилмоқ, яхши-
лиқни ороу қилмоқ — онгли ҳаётнинг маъноси шудир.

А. ПЛАТОН.

○ Ёр сувнинг устида тургандек ҳақиқат ҳам ҳаммаша
ёлгондан устун туради.

М. СЕРВАНТЕС.

○ Доно одам ўзига раво кўрмаган нарсани ҳеч вақт
бошқага ҳам раво кўрмайди.

КОНФУЦИЙ.

○ Ғоясиз яшаган одам — бечора одамдир.

И. ТУРГЕНЕВ.

○ Ўзини ҳурмат қилган одам учун ўлим қабилдан
хилла осондир.

Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ.

○ Соғлом одам беморга ҳаммаша яхши маслаҳат беради.

ТЕРЕНСКИЙ.

○ Пок виждон инсон учун энг яхши ёшдир.

Г. ИБСЕН.

○ Дўстларни кўришдан буюк севинч, дўстлардан аж-
ралишдан аччиқ дард йўқдир.

Б. ШОУ.


Шухратой ИМЯМИНОВА таржимаси.



Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,

Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.

Алишер НАВОИЙ.



Тошкент Давлат маданият институтида СУРАТДА: хореография бўлими сту-
дентлари машғулот пайтида. Р. Шарипов фотоси.

Спорт ва спирт

Исландиянинг энг кучли
кишиси Йон Пол Сигмарс-
сон 225 килограмм оғирлик-
даги шпаша бутилани кўта-
ришга муваффақ бўлиш би-
лан Гиннесснинг «Рекордлар
китоби»дан ўрин олишга
эришди.

Бироқ, Сигмарссоннинг ўзи
кейин юз берган ишга қўп-

роқ аҳамият бермоқда.

Идишни ерга қўйгач, у оғ-
зини очиб 185 литр виски-
ни чуқурга тўкиб юборди.

«Викан» ҳафталигига бер-
ган интервьюсида Сигмарс-
сон таъкидлашча, бу спорт
ва спирт нақадар номутоно-
сиб эканлигининг рамзий
тантанасидир.

Дароз меҳмонхона

Жануби-Шарқий Осиёдаги
давлат пойтахти Сингапурда
дунёда энг баланд меҳмон-
хона қурилди. 73 қаватли
бинонинг бўйи 220 метрни
ташқил этади. Меҳмонхона-
да бир неча ресторан, кон-
ференция зали, бассейни ва
маншн хизмат қўрсатиш-
нинг қатор турлари мўжас-
самлашган.

Янги қурилган районлари-
даги кўп қаватли бинолар-
нинг ўхшашлигидан, улар-

ни фарқлаш мушкуллиги ҳа-
қида кўп айтилган. Бенирия-
лик курувчилар муаммони
олдидигина йўсинда ҳал эти-
шга бўлиб, у Чехословакия-
да ҳам самарали қўлланил-
моқда. Бинонинг бўш девори-
га (шунингдек аввал қурил-
ганларига ҳам) рангли бўй-
ёқ билан қарий бир қават
катталиқда уй номери ёзиб
қўйилди. Бундай рақамлаш
кўзга ташланиб, олисдан ҳам
бемалол кўринади.

НАФС

Дарс туғаш арафасида бир

лум бўлди. Она ҳам, қиз ҳам
росса сўроқ қилинса-да, натижа
чикмади.

Кечки пайт сингапурга ку-
лимсираб қирин миллионер
Лга:

— Ҳаммаси маълум бўлди,
ўқитувчи ҳазиллашгансизлар,
аяқингизга айтиди, тўғрими? —
деди.

— Тўғри! — деб юборди
қизалоқ.

— Унда уйга бориб пул ва
рўмонли келтир, аянг сени
«Ўқитувчилар хонасида» кут-
япти.

«Ўқитувчилар хонаси»да кўз-
лари ола-қула бўлганча ҳам-
мани «лақиллаётган» фар-
рош хотин рўмон ва бир даста
пул тутиб турган қизини
ва сирли жиймайиб турган
инспекторни кўргач, дами ичи-
га тушиб кетди...

МЕҲР

Меҳр қаерда ва қандай қи-
либ турганини? Ҳа, у ту-
ғилиш аниқ, аммо ҳеч қачон
ўймади.

Педагогик машқатлари ҳа-
қида жуда кўп ёзиш мумкин.

Мураббийлар нисбатан меҳр-
оқибатсизлик энг катта гуноҳ
дегани келад. Эеро, кимнинг
юрағида меҳр тўйғуси жўш
урса, у ҳаётига ҳам ўз ота-она-
сига ва бошқаларга ҳам бир-
дек оқибатли бўлади!

Тўлиқ ЭШБЕКОВ,
журналист.

Ҳаёт сабоқлари

[ҚАТРАЛАР]

